


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар)
магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент архитектура қурилиш институти;
- “Тошгипрогор” АЖ.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» август даги Ҳ - сонли йигилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда таянч ОТМга тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. <i>5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) магистратура мутахассислигининг умумий таснифи ..</i>	4
1.1 Қўлланиш соҳаси.....	4
1.2 <i>5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи ..</i>	4
2. <i>5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ..</i>	6
2.1 Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ..	6
2.2. <i>5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари ..</i>	7
3. <i>5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ..</i>	8
3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ..	9
3.2. <i>5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми ..</i>	11

1. 5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи олий таълимнинг дастури амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «магистр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати, ўқиш шакли ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати, ўқиш шакли ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Мутахассисликнинг ўқув режа ва фан дастурлари	Магистр	2 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби 5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги олий таълим муассасалари учун мажбурий талаблар мажмуасини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда асосий ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор–ўқитувчилари;

– магистратура мутахассислигининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– магистратура мутахассисликларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) магистратура мутахассислиги – Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб–ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий–тадқиқот институтларида, илмий–ишлаб чиқариш бирлашмалари, бино ва иншоотларни қурувчи ва улардан фойдаланувчи, ҳар хил шаклдаги мулк, саноат ва бизнес ташкилотлар мажмуини қамраб олади.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тасаруфидаги ташкилотлар;
- энергия самарали биноларни лойиҳалашнинг конструктив тизимлари;
- лойиҳавий, лойиҳа–қидирув ва лойиҳа–смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- саноат ва фуқаро бинолари ва иншоотлари;
- энергия самарали қурилиш объектларидан фойдаланиш, уларни таъмирлаш ва қайта қуриш;
- меҳнат фаолиятининг барча турлари билан шугулланувчи, турли мулкчилик шаклдаги корхоналар;
- олий ва ўрта махсус таълим тизими ташкилотлари;
- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари;
- илмий, техникавий ва технологик масалалар билан боғлиқ академик, илмий тадқиқот ва муассаса ташкилотлари.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.3. Мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- *Илмий–тадқиқот фаолияти;*
- *Ишлаб чиқариш–технологик фаолияти;*
- *Ташкилий–бошқарув фаолияти;*
- *Лойиҳалаш–конструкторлик–технологик фаолияти;*
- *Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий–педагогик ҳамда ўрта махсус, касб–ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);*

- *Консалтинг хизмати фаолияти* ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълимни давом эттириш имкониятлари

Магистратура битирувчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларда катта илмий ходим–изланувчи ва мустақил тадқиқотчи сифатида илмий–тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

2. 5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

- илмий дунёкарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш;
- миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиш;
- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий киёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиш;
- шахсининг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллаш олиш;
- янги билимларни мустақил ўзлаштириш олиш, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиш;
- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиш;
- ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиш;
- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;
- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиш;
- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;
- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида эгаллаган бўлиш;
- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаш;
- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиш;
- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиш;
- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш;
- патент олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиш;

– давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

2.2. 5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Илмий–тадқиқот фаолиятида:

– илмий–тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш ва таҳлил қилиш;

– республика ва хорижда чоп этилган илмий–техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

– илмий–тадқиқот ишларини бажаришда иштирок этиш ва бошқариш;

– интернет тармогида соҳага тегишли энг янги илмий янгилик, технологик ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириш, топиш ва амалиётга қўллаш бўйича изланиш олиб бориш;

– ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Ишлаб чиқариш–технологик фаолиятида:

– қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга ошириладиган ҳудудларни қурилишга тайёрлаш;

– қурилиш объектларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

– қурилишда техник ҳужжатларни (ишларни бажариш графиклари, йўриқномалар, режалар, сметалар, материал ва жиҳозларга буюртмалар) тузиш;

– намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

– илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– касбий этика кодексига риоя қилиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Ташкилий–бошқарув фаолиятида:

– лойиҳаларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш, фавқулдда содир бўлиши мумкин бўлган хавф–хатарларни таҳлил қилиш, лойиҳа командасини бошқариш;

– архитектура ва қурилиш соҳасига оид замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– қурилиш соҳасида ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

– атроф–муҳитни муҳофаза қилиш, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилиш талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга ошириш;

– бино ва иншоотларни қуриш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ҳамда уларда турли ўзгаришларни амалга ошириш ишлари сифатини бошқариш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

– мутахассислигига тегишли илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини ва илмий жамоани бошқариш;

– e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Лойиҳалаш–конструкторлик–технологик фаолиятида:

- бажарилаётган тажриба–конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, инфор­мацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиши ва тадқиқот қилиш;
- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш;
- бино ва иншоотларни қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш;
- меҳнат муносабатларига янги инновацион лойиҳалар ва технологик жараёнларни тадқиқ қилинишини ташкил қилиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб–хунар таълим муассасаларида педагогик фаолиятда (ўрнатилган тартибда):

- олий ва ўрта махсус, касб–хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини, жумладан ўқув устахоналарида ўтказиш;
- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув–методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- бино ва иншоотларни қурилиш ҳамда таъмирлаш соҳасига тегишли назарий, амалий, фундаментал, инновацион ва тажрибавий илмий тадқиқот ишларини амалга оширилишида иштирок этиш;
- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларида ўз–ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув–методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;
- узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув–меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- энергия самарали бино ва иншоотлар қурилиши соҳасида мутахассисликлар бўйича мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;
- мутахассисликка мос энергия самарали бинолар мавзуларини экспертиза қилиши, эксперт гуруҳлари таркибида иштирокчи сифатида қатнашиш;
- мутахассисликка мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиши *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

3. 5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйила­диган умумий талаблар

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бакалаврият таълим йўналишининг ўқув режаси ва фанлар дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабалар томонидан қуйидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

- умумметодологик фанлар;
- мутахассислик фанлари;
- илмий фаолият.

Ўқув режа ва фанлар дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режа ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишда ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳамда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларини ҳисобга олиши керак.

ОТМлар ўқув режа ва фан дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгиллаб туриши лозим.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўғарақларда, магистрларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши лозим.

Компетентли ёндашувни амалга ошириш, ўқув жараёни машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.) шаклларни ўтказишни, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутиши керак.

Фанларнинг ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар учун танлов фан (модул, курс) лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ ўқув режа ва фан дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни қамраб олиши керак.

Магистратура мутахассислиги ўқув режасига мувофиқ равишда яқуний давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясининг ҳимояси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар **Умумметодологик фанлар блоки:**

- миллий ғоя ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг боғлиқлигини ва унинг асосий мақсадларини англаши;
- таълимга технологик ёндашув, ўқув мақсадларини аниқлаштириши, педагогик фаолиятни оқилона режалаштириши ва ташкил этиши;
- ахборот тизимларини ташкил этиши ва бошқариши;
- илмий ва илмий-техник ахборот билан ишлаш ўқув ва кўникмаларини шакллантириши, тадқиқ этиладиган мавзулар бўйича мунтазам равишда мустақил таҳлил ва хулосани тайёрлаши;

– илмий–тадқиқот методологияси, илмий тадқиқотлар асослари, билишнинг умумий усуллари, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, конунлар ва қоидалар мантиғи, асослаш ва инкор қилиш усуллари, патентшунослик, лицензия, сертификатлаштириш тушунчаларига шунингдек, нутқ маданияти асослари билимларига, педагогик технологияларга доир билимлар ва педагогик маҳоратни эгаллаши;

– амалий хорижий тилни, мутахассисликка йўналтирилган ахборот технологиялари ва тизимларини ўзлаштириши керак;

– нутқнинг коммуникатив сифатли бўлишини таъминлаши;

– амалдаги қонунчилик нормаларини қўллаш орқали ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг магистратура мутахассисликлари ўқув режаларидаги умумметодологик фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Мутахассислик фанлари блоки:

– энергия самарали биноларни лойиҳалашда хоналарни микроиқлимни шаклланиш хусусиятларини ва бу жараёндаги ташқи тўсик конструкцияларини ўрнини, уларнинг энергия самарадорлигини ошириш йўллари билиш;

– биноларни лойиҳалашни назарий ва амалий масалалари қурилишда ишлатиладиган конструкциялар турлари, тузилиши, ишлатилиш кўлами, ҳисоблаш асослари, илмий техник муаммоларни ечиши, уларнинг ривожланиш тенденцияларини олдиндан кўра билиши ва уларга илмий ёндоша олиши;

– бино ва иншоотларни таъмирлаш, қайта қуриш ва техник қайта қуроллантиришни аниқлаб берувчи функционал, иқтисодий ва ижтимоий омиллар, бино ва иншоотларнинг ҳолатини текшириш ҳамда диагностика қилиш усуллари ва воситаларини билиши;

– қуруқ иссиқ иқлим шароитида шаҳарсозликни ривожланиш истиқболлари, аҳоли яшаш жойларини бош тархини лойиҳалашни ижодий масалаларини еча олиши техник иқтисодий баҳолашнинг замонавий усуллари ҳамда кичик аҳоли яшаш жойлар селитеб зоналарини ҳисоблаш ва лойиҳалашни билиши;

– муайян мутахассислик бўйича назарий ва амалий билимларни, ўқув ва кўникмаларни шакллантириши;

– магистратура мутахассислик бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдалана олиш кўникмаларини ривожлантириши;

– магистратура мутахассислиги бўйича илмий–тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий ўқув ва кўникмаларни таъминлаши керак.

Илмий фаолият блоки илмий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини, талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий–тадқиқот ва илмий–педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

Илмий фаолият: илмий–тадқиқот ва илмий–педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

Илмий–тадқиқот ишларига бўлган талаблар:

– мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши;

– ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий–тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириши;

– талабаларга соҳа фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллаш билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдириши лозим.

Илмий–педагогик ишлар:

– замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши;

– ўқув жараёнини илмий–услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш уқуви ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

Стажировка:

Соҳа бўйича илмий–тадқиқот ишларини олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириш;

фан, соҳа ҳамда бошқа тармоқлардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириш;

соҳага тегишли амалий, касбий ва илмий–тадқиқот компетенцияларни шакллантириш;

касбга самарали мослашув имкониятларини таъминлаши лозим.

Бунда стажировкага юборилган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажарилиши кўзда тутилади.

Танлов фанлари:

Мутахассислик бўйича фан, иқтисодиёт, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига – 36 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралик ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва фанлар дастури мазмуни олий малакали илмий ва илмий–педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 20 фоизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисликлари унинг ўқув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Назарий таълим ва илмий фаолият	75 ҳафта
Аттестациялар	7 ҳафта
Таътиллار	18 ҳафта
Жами	100 ҳафта

Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

Ўқиш даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши зарур:

назарий таълим	– 36,6 %;
аттестация	– 7 %;
таътиллار	– 18 %;
илмий фаолият	– 55 %.

Илмий фаолият магистратура талабасининг яқка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қуйидагиларга бўлинади:

илмий тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш	– 42,2 %;
илмий семинар	– 11,1 %;
илмий–педагогик иш ва малака амалиёти	– 46,7 %.

Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига қараб қуйидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:

умумметодологик фанлар	– 16 %;
мутахассислик фанлари	– 54 %;
танлов фанлари	– 30 %.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), уқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш, бино ва иншоотлар қурилиши, энергия самарали бинолар, лойиҳалаш объекти; информацион таъминот, селитеб зона, қуруқ иссиқ иқлим, таъмирлаш, қайта қуриш, назария.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини
Ривожлантириш маркази



Директор [Signature] проф. Б.Х.Рахимов

2018 йил « 8 » 02

Тошкент архитектура қурилиш институти



Ректор [Signature] / Хакимов Р.Р.

2018 йил « 3 » август

КЕЛИШИЛГАН:

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
раиси ўринбосари



Рахбар [Signature] А. Д. Тоджиев

2018 йил « 2 » август

Тошкент Темир Йўл Муҳандислари
Институти



Ректор [Signature] М.Х. Расулов

2018 йил « 8 » август
М.У.

«Ўз ОФИРСАНОАТЛОЙИҲА» АЖ



Бош директор [Signature] О.М. Юлдашев

2018 йил « 8 » август
М.У.

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд
Давлат Архитектура-Қурилиш
институти



Ректор [Signature] С. И. Ахмедов

2018 йил « 8 » август
М.У.
















«ҚИШЛОҚҚУРИЛИШЛОЙИҲА»
маъсулияти чекланган жамият



Директор [Signature] И.С. Ахмедов

2018 йил « 8 » август
М.У.

Тошкент архитектура қурилиш институти 5340200–Бино ва иншоотлар қурилиши
(саноат ва фуқаро бинолари) бакалавр таълим йўналиши, 5А340201–Бино ва
иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) магистратура мутахассислиги
бўйича малака талаблари мазмунни бўйича ишчи гуруҳнинг келишув варақаси

Т/р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
1	А. Ў. Мирисаев	ТАҚИ ўқув ишлари проректори, т.ф.н., доц.	
Аъзолари:			
2	С. Махкамов	ТАҚИ ўқув-услубий бўлими бошлиғи, т.ф.н., доцент	
3	И. Т. Алиев	Бино ва иншоотлар қурилиши факультети декани, п.ф.н., доцент	
4	С. Нарбаев	Мухандислик-қурилиш инфраструктураси факультети декани, т.ф.н.	
5	У. Т. Юсупов	Бино ва иншоотлар кафедраси мудири, т.ф.н., доцент	
6	С. Юсупхўжаев	Қурилиш конструкциялари кафедраси мудири, доцент	
7	А. Баходиров	Қурилиш технологияси ва ташкилиёти, т.ф.н., доцент	
8	А. Тошхўжаев	Гидротехника иншоотлари, замин ва пойдеворлар кафедраси мудири	
9	С. Сайфиддинов	Бино ва иншоотлар кафедраси доценти, т.ф.н.	
10	М. М. Миралимов	Бино ва иншоотлар кафедраси доценти, т.ф.н.	
11	С. М. Махмудов	Бино ва иншоотлар кафедраси доценти, т.ф.н.	
12	Ғ. А. Хакимов	Бино ва иншоотлар кафедраси катта ўқитувчиси г.м.ф.н.	
13	Ж. И. Болтаев	Бино ва иншоотлар кафедраси катта ўқитувчиси	
14	У. С. Ахмадиёров	Бино ва иншоотлар кафедраси катта ўқитувчиси	
15	Р. И. Саидахмедов	Бино ва иншоотлар кафедраси ассистенти	

Ректор

Р.Р. Ҳакимов

Ўқув ишлари
бўйича проректор

А. Ў. Мирисаев

Ўқув-методика
бошқармаси бошлиғи
















С. Махкамов

Факультет декани

И. Т. Алиев



Тошкент архитектура қурилиш институти 5340200–Бино ва иншоотлар қурилиши
(саноат ва фуқаро бинолари) бакалавр таълим йўналиши, 5А340201–Бино ва
иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) магистратура мутахассислиги
бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи
Ишчи гуруҳ таркиби

Т/р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
1	А. Ў. Мирисаев	ТАҚИ ўқув ишлари проректори, т.ф.н., доц.	
Аъзолари:			
2	С. Махкамов	ТАҚИ ўқув-услубий бўлими бошлиғи, т.ф.н., доцент	
3	И. Т. Алиев	Бино ва иншоотлар қурилиши факультети декани, п.ф.н., доцент	
4	С.Нарбаев	Мухандислик-қурилиш инфраструктураси факультети декани, т.ф.н.	
5	У. Т. Юсупов	Бино ва иншоотлар кафедраси мудири, т.ф.н., доцент	
6	С.Юсупхўжаев	Қурилиш конструкциялари кафедраси мудири, доцент	
7	А.Баходиров	Қурилиш технологияси ва ташкилиёти, т.ф.н., доцент	
8	А.Тошхўжаев	Гидротехника иншоотлари, замиң ва пойдеворлар кафедраси мудри	
9	С. Сайфиддинов	Бино ва иншоотлар кафедраси доценти, т.ф.н.	
10	М. М. Миралимов	Бино ва иншоотлар кафедраси доценти, т.ф.н.	
11	С. М. Махмудов	Бино ва иншоотлар кафедраси доценти, т.ф.н.	
12	Ғ. А. Хақимов	Бино ва иншоотлар кафедраси катта ўқитувчиси г.м.ф.н.	
13	Ж. И. Болтаев	Бино ва иншоотлар кафедраси катта ўқитувчиси	
14	У. С. Аҳмадиёров	Бино ва иншоотлар кафедраси катта ўқитувчиси	
15	Р. И. Саидахмедов	Бино ва иншоотлар кафедраси ассистенти	

Ректор
М.Ў.

Ўқув ишлари бўйича проректор:  А. Ў. Мирисаев

Декан

 И. Т. Алиев



“Тошгипрогор” Акционерлик жамияти

**5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларни
ва 5А340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар) магистратура мутахассслиги учун
янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларнинг магистратура
мутахассслиги битирувчилари касбий фаолиятига қўйиладиган умумий малака талаблари
(касбий компетентлик талаблари)**

Т/р	Магистратура таълим мутахассслиги		Магистратура таълим мутахассслиги учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг магистратура мутахассслиги битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари
	Шифри	Номи	
1	5340200	Бино ва иншоотлар қурилиши (саноат ва фуқаро бинолари)	<p>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <p>Илмий–тадқиқот фаолиятида:</p> <ul style="list-style-type: none"> – архитектура ва қурилиш соҳасига тегишли янги техник воситалар, тизимлар, технологиялар, жараёнлар, қурилмалар, конструкциялар, янги турдаги қурилиш материаллари ва конструкцияларини, муҳандислик коммуникация тизимларини яратишда ва амалиётга татбиқ этишда, янги машиналар ва автоматлаштирилган тизимларни синовдан ўтказишда зарур бўлган ташкилий ишларда иштирок этиш; – танланган фаолият йўналишига мос келувчи илмий–техник ахборотлар, илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни билиши; – берилган услублар бўйича экспериментларни қўйиш ва ўтказиш, лойиҳалашни автоматлаштиришнинг стандартлаштирилган пакетлари асосида математик моделлаштириш усулларини эгаллаган бўлиши; – бино ва иншоотлар қурилиши соҳасига тегишли назарий, амалий, фундаментал, инновацион ва тажрибавий илмий тадқиқот ишларини амалга оширилишида иштирок этиш; – илмий–тадқиқот, лойиҳа институтлари ва баҳолаш консалтинг хизмати марказларида ахборотни ҳимоялашга оид мавзуларда илмий–тадқиқот ишларини олиб боришда иштирок этиш; – ахборот хавфсизлигига оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий–тадқиқот ютуқларини ўрганиш; – касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий–тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш; – республика ва хорижда чоп этилган илмий–техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш; – интернет тармоғидан энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириб топиш ва амалиётга қўллаш; – илмий–тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш; – бажарилган ишлар бўйича ҳисобот тузиш, берилган услублар бўйича экспериментларни қўйиш ва бажариш усулларини эгаллаш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш фаолиятида:

- қурилиш объектларида уста (мастер), иш юритувчи (прораб) бўлиб ишлаш, қурилиш ишлаб чиқаришининг технологик жараёнларини бажариш;
- турли қурилиш объектларининг айрим технологик жараёнларнинг ҳисобий-технологик хариталарини тузиш ва қўллаш;
- қурилишда қўлланиладиган материаллар ва конструкцияларнинг сифатини назорат қилиш;
- турар-жой, жамоат ва саноат бинолари қурилиш технологиясига риоя қилинишини назорат қилиш;
- турар-жой, жамоат ва саноат бинолари қурилишида техник ҳужжатларни (ишларни бажариш графиклари, йўриқномалар, режалар, сметалар, материал ва жиҳозларга буюртмалар) тузиш;
- қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга ошириладиган ҳудудларни қурилишга тайёрлаш;
- қурилиш объектларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;
- турар-жой, жамоат ва саноат бинолари қурилиш инфраструктураси ва ишларини ташкил этиш;
- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- турар-жой, жамоат ва саноат бинолари қурилиши соҳасида ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;
- архитектура ва қурилиш соҳасидаги жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш;
- турар-жой, жамоат ва саноат бинолари қурилишида замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- турар-жой, жамоат ва саноат биноларини қуриш, қайта қуриш, реконструкция қилишни амалга ошириш ишлари сифатини бошқариш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда тадбиқ қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- муҳандислик ва конструкторлик ечимларини амалиётга тадбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи конструкторлик, технологик ёки ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;

			<ul style="list-style-type: none"> - ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф–муҳитни ва меҳнат хавфсизлигини назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиш <i>қобилиятига эга бўлиши керак.</i> Лойиҳа–конструкторлик фаолиятида: - турар–жой, жамоат ва саноат бино ва иншоотларни архитектуравий лойиҳалаш тамойиллари тўғрисида; - фуқаро ва саноат бино ва иншоотларининг муҳандислик тизимлари ва жиҳозларини лойиҳалаш борасида тасаввурга эга бўлиши; - турар–жой, жамоат ва саноат бино ва иншоотларини лойиҳалашни; - саноат, фуқаро бино ва иншоотларини қуриш, таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш билан боғлиқ лойиҳаларини ишлаб чиқиш; - юк кўтарувчи қурилиш конструкциялари ва ускуналарини автоматлаштирилган лойиҳалашнинг стандарт воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш ва конструкциялаш; - ички ва ташқи тўсиқ конструкцияларни ҳисоблашни ва лойиҳалашни. - лойиҳавий ва ишчи техник ҳужжатларини тайёрлаш, яқунланган лойиҳавий–конструкторлик ишларини расмийлаштириш; - биноларнинг энергия самарадорлигини таъминлайдиган ҳажмий–тархий ва конструктив ечимларини лойиҳалаш, энергия самарадор қурилиш материаллари ва инженерлик қурилмаларидан фойдаланиш; - ишлаб чиқиладиган лойиҳалар ва техник ҳужжатларни, топшириқлар, стандартлар, меъёрлар, техник шартлар ва бошқа ижро ҳужжатларига мувофиқ келишини таъминлаш <i>қобилиятларига эга бўлиши керак.</i>
2	5A340201	<p align="center">Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар)</p>	<p>Илмий–тадқиқот фаолиятида:</p> <ul style="list-style-type: none"> – илмий–тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш ва таҳлил қилиш; – республика ва ҳорижда чоп этилган илмий–техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш; – илмий–тадқиқот ишларини бажаришда иштирок этиш ва бошқариш; – интернет тармогида соҳага тегишли энг янги илмий янгилик, технологик ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириш, топиш ва амалиётга қўллаш бўйича изланиш олиб бориш; – ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш <i>қобилиятларига эга бўлиши лозим.</i> <p>Ишлаб чиқариш–технологик фаолиятида:</p> <ul style="list-style-type: none"> – қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга ошириладиган ҳудудларни қурилишга тайёрлаш; – қурилиш объектларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш; – қурилишда техник ҳужжатларни (ишларни бажариш графиклари, йўриқномалар, режалар, сметалар, материал ва жиҳозларга буюртмалар) тузиш; – намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш; – илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш; – касбий этика кодексига риоя қилиш <i>қобилиятларига эга бўлиши лозим.</i>

			<p>Ташкилий–бошқарув фаолиятида:</p> <ul style="list-style-type: none"> – лойиҳаларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш, фавқулдда содир бўлиши мумкин бўлган хавф–хатарларни таҳлил қилиш, лойиҳа командасини бошқариш; – архитектура ва қурилиш соҳасига оид замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш; – қурилиш соҳасида ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш; – атроф–муҳитни муҳофаза қилиш, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилиш талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш; – бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга ошириш; – бино ва иншоотларни қуриш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ҳамда уларда турли ўзгаришларни амалга ошириш ишлари сифатини бошқариш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш; – мутахассислигига тегишли илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини ва илмий жамоани бошқариш; – e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш <i>қобилиятларига эга бўлиши лозим.</i> <p>Лойиҳалаш–конструкторлик–технологик фаолиятида:</p> <ul style="list-style-type: none"> – бажарилаётган тажриба–конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиши ва тадқиқот қилиш; – намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш; – бино ва иншоотларни қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш; – илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш; – меҳнат муносабатларига янги инновацион лойиҳалар ва технологик жараёнларни тадбиқ қилинишини ташкил қилиш <i>қобилиятларига эга бўлиши лозим.</i>
--	--	--	--

“Тошгипрогор” АЖ директори ўринбосари



Миралимов К.

Тошкент архитектура қурилиш институти
Бино ва иншоотлар кафедраси томонидан тузилган
5A340201 – Бино ва иншоотлар қурилиши (энергия самарали бинолар)
магистратура мутахассислигининг малака талабига

ТАҚРИЗ

